

**« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »**  
**"Ўзстандарт" агентлиги**  
**Бош директори**  
**А.К. Курбанов**  
**« 03 » ноябр 2014 йил**

**Навоий стандартлаштириш ва метрология**  
**бошқармаси (СМБ) тўғрисида**  
**Н И З О М**

1.1. Ушбу Низом, “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисида”ги Низомда белгилаб берилган фаолиятнинг асосий йўналиши, вазифаси, иши ва ҳуқуқларига асосан, Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Метрология тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги ва “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисида”ги Низомига ҳамда “Ўзстандарт” агентлигининг фаолиятига тегишли Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига биноан ишлаб чиқилган.

1.2 Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси (кейинчалик – Навоий СМБ), бошқариш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштириш, метрология бўйича фаолият устидан назоратни ўз ваколат доирасида амалга оширадиган давлат бошқарув орган ҳисобланади – “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий таркибий бўлинмасидир.

1.3 Навоий СМБ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро шартномаларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисида”ги Низомига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзстандарт” агентлигининг Маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси тўғрисида”ги Низомига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 159-сон “Этил спиртининг сифати устидан назоратни таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Низомига, “Ўзстандарт” агентлигининг қарорлари ва буйруқларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

1.4 Навоий СМБ икки томонлама бўйсунди ҳамда “Ўзстандарт” агентлигига ва тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органига ҳисобот беради.

1.5 Навоий СМБ ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

1.6 Навоий СМБ фаолиятини молиялаштириш ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ва маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

1.7 Навоий СМБ юридик шахс бўлиб ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига эгадир.

1.8 Навоий СМБ, унинг ташкилий ҳужжатларини ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган кундан юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини эгаллайди.

## **II. Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг асосий вазифалари ва функциялари**

2.1 Қуйидагилар Навоий СМБнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Метрология тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги ва “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонунлари амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

- стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- стандартлаштириш, ўлчовлар ягоналиги, сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотни аккредитация қилиш ва тарқатишни, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро тизимлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

- маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

2.2 Навоий СМБ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Метрология тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги ва “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш борасида:

- ўз ваколати доирасида умумий ва махсус техник регламентларга ҳамда стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширади;

- корхоналарни маҳсулотларига тегишли бўлган ташкилот стандартларини ҳамда уларга ўзгартиришларни экспертизадан ўтказиши ва давлат рўйхатидан ўтказиши;

- бир турдаги маҳсулотлар учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тармоқ тузилмаларини ташкил этишга кўмаклашади, уларга илмий-методик ёрдам кўрсатади;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг синов, ўлчов, таҳлилий, калибрлаш ва текшириш лабораторияларини аттестациядан ўтказиши ва аккредитация қилиш, шунингдек, аккредитланган сертификатлаштириш идораларида аккредитация ва назорат йўсиндаги текшириш ишларида қатнашади;

- стандартлар устидан назоратни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятига услубий раҳбарликни амалга оширадиган ҳамда уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирадиган;

б) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида:

- техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш масалалари бўйича Навоий вилояти ҳудудида давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ўз ваколатлари доирасида раҳбарлик қилади ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

- янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

- техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни, концепцияларни, истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш учун таклифлар тайёрлайди;

- бошқарма томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожатларига асосан, меъёрий ҳужжатлар билан таъминланади ва улар томонидан тақдим этиладиган меъёрий ҳужжатларни актуаллаштиради;

в) стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини аккредитация қилиш ва тарқатишни, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш борасида:

- манфаатдор шахсларни маҳсулотларни ва хизматларни, синов ва ўлчов усулларини стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар билан таъминлайди, шунингдек мазкур соҳалардаги ютуқларнинг илмий-техник тарғиботини амалга оширади;

г) маҳсулотлар, ишлар, хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида:

- ўз ваколатлари доирасида маҳсулот сифати ва хавфсизлиги бўйича мажбурий талабларни белгилайди ҳамда ушбу талабларга риоя этилишини назорат қилади;

- техник регламентларга ва стандартларга риоя қилиш, ўлчовлар ва сертификатлаш қоидаларининг ягоналигини таъминлаш масалалари бўйича назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

- норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини, ўлчовларнинг ягоналиги ва ишончлилиги, мажбурий сертификатлаштириш қоидалари таъминланишини ташкил этади ва бу борада давлат назоратини амалга оширади;

- давлат метрология назоратини амалга оширади;

- спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда уларнинг сифати юзасидан, шунингдек кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан шугулланадиган ташкилотларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат назоратини амалга оширадilar.

2.3 "Ўзстандарт" агентлигининг экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси билан ҳамкорликда, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлар, маҳсулотни сертификатлаш, ёрликлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

- ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда халқаро ва мамлакатлараро стандартлар талабларини жорий этиш ва уларга эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни хорижий бозорларга киритиш бўйича зарур ахборотлар олиш учун ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

- стандартлар, маҳсулотни сертификатлаш, ёрликлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича доимий янгиланган туриладиган маълумотномани ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кейинчалик уни "Ўзстандарт" агентлигининг Интернет тармоғидаги сайтига жойлаштириш учун тақдим этиш.

2.4 Навоий СМБ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита амалга оширади.

### **III. Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

3.1 Навоий СМБ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, синаш ва сертификатлаштириш масалаларини ҳал этиш учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

- қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ҳамда маҳсулотлар сифатини бошқариш масалалари бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан таклифлар бериш;

- ҳудуддаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, корхоналар ва ташкилотлардан Навоий СМБга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни белгиланган тартибда олиш;

- давлат назорати натижаларини таҳлил қилиш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда сифат тизимларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар киритиш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қоидалари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини кўллаш;

- маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ва сифатини таъминламайдиган ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив ҳужжатларни бекор қилиш, уларнинг амал қилиш муддатини чеклаш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш;

- сертификатлаштириш бўйича аккредитация қилинган органлар, юклаб жўнатишдан олдинги инспекция органлари, синов, ўлчаш, текшириш ва калибрлаш лабораториялари фаолияти устидан ўз ваколатлари доирасида инспекция назорати ўтказиш;

- соҳага оид матбаа маҳсулотларини нашр қилиш учун ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

- техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

- корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда консултатив хизматлар кўрсатиш;

- синаш, ўлчаш, текшириш, ва калибрлаш лабораторияларини аккредитлашга тайёрланган ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

- ташкилот стандартларини экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

- стандартлаштириш, метрология, аккредитация, сифатни бошқариш тизимлари ва сертификатлаштириш ҳамда мувофиқликни баҳолаш соҳаларида консултатив хизматлар кўрсатиш, семинар-тренинглари ўтказиш.

Навоий СМБ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2 Навоий СМБ ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### **IV. Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси фаолиятини ташкил этиш**

4.1 Навоий СМБни бошқарма бошлиғи бошқаради.

4.2 Навоий СМБ бошқармаси бошлиғи Навоий вилояти ҳокими билан келишилган ҳолда “Ўзстандарт” агентлигининг Бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

4.3 Навоий СМБ бошлиғи бир вақтда лавозимига кўра тегишли равишда Стандартлар ва ўлчовларнинг ягоналиги таъминланишини назорат қилиш бўйича Навоий вилоятида бош давлат инспектори ҳисобланади.

4.4 Навоий СМБ бошлиғи:

- Навоий СМБ фаолиятига яққабошилиқ асосида умумий раҳбарлик қилади;

- Навоий СМБ ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва Навоий СМБга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

- Навоий СМБ тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар, йўриқномалар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- тасдиқланган тузилма, штат жадвали ва белгиланган ходимлар сони чегарасида бўлинмага мутахассисларни белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

- таркибий бўлинмалар тўғрисида низомни ва лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди.

4.5 Навоий СМБ ўз фаолиятини Навоий вилояти ҳокимлиги билан келишилган ҳолда “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширади.

4.6 Стандартлар ва ўлчашлар бирлиги устидан давлат назоратини амалга оширадиган мансабдор шахслар “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтишлари шарт.

## **V. Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг мулки ва маблағлари**

5.1 Навоий СМБ тугалланган балансига, балансда акс этувчи мулки ва асосий воситаларига эга бўлади.

5.2 Навоий СМБ қуйидаги манбалардан келиб чиқадиган молиявий маблағларга эга бўлади:

- “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ажратиладиган бюджет ассигнациялари ва “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ажратиладиган махсус фонддан;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таъқиқланмаган бошқа манбалар.

5.3 Навоий СМБ ўзига тегишли мулк ва маблағлардан ўз манфаатлари учун фойдаланилиши учун Навоий вилояти ҳудудида ҳаракатдаги ва кўчмас мулк яратиши, ижарага олиши ва ижарага бериши, улардан бошқа тарзда фойдаланиши, Ўзбекистон қонунчилигига зид бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланиши мумкин.

## **VI. Ҳисобот ва назорат**

6.1 Навоий СМБда ҳисоб-китоблар юритиш, ҳисоботлар тайёрлаш ва топшириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан амалга оширилади.

6.2 Навоий СМБнинг фаолият натижалари чораклик, йиллик баланс ҳамда даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботларда акс этади.

6.3 Навоий СМБ “Ўзстандарт” агентлиги ва бошқа тегишли ташкилотларга ўрнатилган тартибда белгиланган шакл ва муддатларда фаолиятнинг барча турлари бўйича тегишли ҳисобот беради, ҳисобот ва балансларнинг тўғрилигини таъминлайди.

## **VII. Навоий стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг фаолиятини тўхтатиш**

7.1 Навоий СМБни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.